



“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

“ХОРАЗМ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ

№ 100802
Газорасп туман 3-сон
касб-хуқуқар мактабиди
Бешта қишлоғи
(корхона, ташилот, муассаса номи)

Т/р №	Авария брониға тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Үчрилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиши тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда кўриқлаш ёриткичлари юкланиши остида қолдирилади.

б) Ёнганга қарши захира насослар ва бошқа ёнганга қарши агрегатлар авария брониға кирмайдиган (ушбу агрегатлар, заруратга қараб, олдидан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:



Юридик шахслар учун электр таъминоти
ШАРТНОМАСИ

2021 йил 28 01 5 -сон
Давраст
(шартнома тузилган манзили)

“Хоразм худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти
Давраст туман (шаҳар) электр таъминоти корхонасида
“Ишончнома” асосида фаолият юритувчи раҳбари
О.С. Баширов. (кейинги ўринларда
(худудий электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

“Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда Мирзоаси
фаолият юритувчи (раҳбарнинг исми) Давраст ва ТХХ
раҳбари Ш. Абдураҳмонов. (кейинги ўринларда
“Истеъмолчи” раҳбарининг Ф.И.Ш.)

“Истеъмолчи” деб аталади), хисоб рақами - 100802 иккинчи
томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. Шартнома предмети

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома
деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги
ўринларда - энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали etkazиб бериш ва
Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини
олади.

II. Eтказиб берилган энергияни хисобга олиш

2.1. Энергия истеъмолнинг йиллик шартномавий ҳажми:
Актив 9920 кВт.с. реактив _____ кВт.с.
2.2. Eтказиб берилдиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги
умумий нархи 4464000 сўмни, тариф(лар) бўйича 450
тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПҚ-3379
нинг рўйхатида кўрсатилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи
истеъмолчилар учун (керамиси ёзилсин)
ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига etkazиб берилдиган энергиянинг ойлар кесимидаги
йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий
микдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш
приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2008 йилдаги
277-сонли Қарорининг 1-илоvasида белгиланган рўйхатига асосан табиий

монополиялар субъектлари томонидан Истеъмолчиларга мажбурий хизмат
кўрсатилиши бўлган йиллик минимал Энергия микдори
9920 кВт.с

III. Хисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки
2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379 нинг рўйхатида кўрсатилган махсулот ишлаб
чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга
оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортқ бўлган Истеъмолчи (бюджет
ташкilotлари, сув таъминоти ташкilotлари, фермер хўжаликлари ва сув
истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат
бюджетидан молиялаштирилдиган насос станциялари бундан мустасно) электр
энергияси учун хисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф
бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учн табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-
китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) –
белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика
тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6⁰⁰
дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга
нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффицентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰
дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар
камаювчи коэффицентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга
қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан
энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация
қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган
ташкilotлар рўйхатида киритилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим
хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан
белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги хисоб-
китоб даври бир ой хисобланади.

3.4. Истеъмолчи хисоб-китоб даври тугатандан сўнг Ўзбекистон
Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг
(кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда
хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу
Шартноманинг 3-илоvasига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисобот
тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни ўз
қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “25-31”
санасигача худудий электр тармоқлари корхонасига ва Бюрога тақдим этади.

Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган микдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмоли килинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Бюро ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олинган кейин, Корхона амалда истеъмоли килинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмоли қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинмайди.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугаган қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоиз микдорида, электр энергияси махсус тартибда ёзиб берилмаган корхоналар учун эса 0,2 фоиз микдорида пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фоиздан ортик микдорда энергия истеъмоли қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган микдордан ортик электр энергия килинган энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорида тўлов ундирилади.

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузишлари шарт.

3.14. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади: шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда, ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро ва электр таъминоти корхонаси талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вақилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишига қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиб хатти-ҳаракаллар амалга оширилганда;

электр энергиясидан уғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний улашиб, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.6. Истеъмолчи энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий микдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камидан 5 кун олдин билдирги тартибда Бюрога мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчиға нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Истеъмолчи уланган қувватидан қатъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширганда (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматига мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди. (Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарорига асосан мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтган кучга киради)

3.8. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда беш кун ичида тўлов амалга оширилиши лозим бўлган ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.9. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни

3.15. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта хисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. Истеъмолчи томонидан қондабузарлик ҳолати баргараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорда тўлов учдирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭНХАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш;

электр энергияси отказиб беришнинг тўхталлиши ёки тўхтатиб қўйиллиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлик ҳажмда отказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия отказиб берилиши оқибатида давлат стандартларига мувофиқ белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия отказиб берилиши тўхтатилганда отказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки буйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимида рияя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига рияя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш:

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Бюро, электр таъминоти қорхонаси ва “Ўзэнергоспекцияси” кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Бюро ва/ёки Корхона вақилининг хисобга олиш приборларини кўздан кечиришга белгиланган тартибда руҳсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга туширилган электр қурилмалардан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманомга бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган махсулотнинг (ишлаб турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шомоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юқламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юқламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражада бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Бюронинг хабардор қилиб Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭНХАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ туғатганда электр тармоқларидан узтиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайд.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чеграсигача Шартномада кўрсатилган

ҳажмда мунгазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, хисобга олиш приборларидан

фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр

ҳўжалиги объектларидаги носозликларни баргараф қилиш;

электр хўжалиги объектиларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги кутилаётган узиллишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш; киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган холда олдидан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия хисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ун кун мuddатда электр энергиянинг ойлик шартномавий хажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий микдорини кўнрайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган холда хабар қилиш;

Истеъмолчидан ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш; сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Қорхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Қорхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Қорхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолчининг белгиланган режимида риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари қорхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун; захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик

тарзда частотани сошлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

ягона энергетика тизимида қувват танқислиги оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган аварияларни олдини олиш юзасидан тармоқларни автоматик тарзда (УОН, АЧР) ва бошқа ўчиришлар ҳисобида содир бўлиб энергияни етказиб беришдаги танаффуслар юзасига келганда;

энергия беришдаги узиллишлар қувват ва энергия етишмаслиги сабабли энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан қонун ҳужжатлари асосида истеъмолни тартибга солиш натижасида юз берган бўлса;

оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидения, интернет веб сайт ва ижтимоий тармоқлар) орқали электр энергияси етказиб беришдаги узиллишлар тўғрисида хабар ва эълонлар берилганда, истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Қорхона Истеъмолчини Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулоқда авария ҳолатлари юзасига келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзасига келадиган барча келишмовчилик ва низоолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар иқтисодий судда ёки "ХОРАЗМ МЕДИАЦИЯ ВА АРБИТРАЖ МАРКАЗИ" жамияти хузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳақамлик судида кўриб чиқилиши мумкин. Унинг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан кўриб чиқилади. Ҳақамлик муҳокамасининг жойи: ҳақамлик суди томонидан белгиланади. Ҳақамлик муҳокамаси I нафар ҳақамлик судьяси томонидан амалга оширилади.

VI. Яқиний қондалар

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабр гача бўлган мuddатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди, ва кейинги ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш мuddати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш мuddати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани мuddатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш мuddатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган холда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарт билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгариш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг вақолатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

Истеъмолчи: Даворасл Т.З. сөн касб-ҳуқуқ мактаби
 Юридик манзили: Даворасл тумани
 Почта манзили: Бешта қишлоғи
 Хисоб рақами: 100010860332207092901079002
 Банк коди (МФО): 00014 (ИНН) 206910464
 Истеъмолчининг юридик манзили бўйича Кадастр рақами
 Маҳалла номи: Ўзбекистон маҳалласи
 Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилган
 Истеъмолчилар учун:
 Бюджет фондининг хисоб рақами: 2340200030010001010
 Банк коди (МФО): 00014 (ИНН) 201122919
 Бюджет фондининг хисоб рақами
 Банк коди (МФО): 00014 (ИНН) 201122919
 Телефонлар: 55-601-45-41 Факс:
 ("Истеъмолчи" телефон рақамлари, шу жумладан унинг рақобарипи уяли телефони курайтилади)

Статистик кодлар:

ОКЭД 92120
 СОГУ 03903
 СОАТО 1733220812
 КФС 214
 КОПФ 2100
 ОКПО 21880330

Корхона:

Почта манзили: Даворасл тумани
 Хисоб рақами: 22636000500313388423
 Банк коди (МФО): 00813 (ИНН) 200408434
 Телефонлар: 33-25-565 Факс:

Статистик кодлар:

СОГУ _____ СОАТО _____

Корхона вақили

Истеъмолчи

(Имзо, Ф.И.Ш., сана) _____
 М.У. _____
 (Имзо, Ф.И.Ш., сана) _____
 М.У. _____

Юрист хулосаси:

_____ (ИМЗО) Д. Нуманишев (Ф.И.Ш.)

Юридик шахслар учун электр таъминоти шартномасига I – илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи _____
2. Фаолият тури: И
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: кВА _____ (кВт)
4. Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) _____
5. Ҳисоб-китоб тури: _____

тариф тури: табақалантирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан НК-3379 нисбатида қўрилган маҳсулот ишлаб чиқаруши ва айрим хизматлар кўрсатиши истеъмолчилар (сериёлиқ билан)

	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами	9920				
Январь	3306				
Февраль	3306				
Март	3308				
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига ишлайди _____ соат, ойда 30.27 кун
 Умумий юкка нисбатан сменалар бўйича юкланиш % I _____, II _____, III _____

Корхона вақили

Истеъмолчи

(И.У. Имзо) _____
 (И.У. Имзо) _____

Юридик шахслар учун электр таъминоти шартномасига 4 - илова

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси ДАЛОЛАТНОМАСИ

1. "Истеъмолчи"нинг балансида куйидаги электр қурилмалар мавжуд:

- а) хаво линиялари _____
 - б) кабель линиялари _____
 - в) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари _____
2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси _____

3. Улардан куйидагиларга:

- а) _____ хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,
- б) _____

"Истеъмолчи" билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан кўрсатилади.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси куйидагича белгиланди: _____

Василлар:

Истеъмолчи
М.Ў.

Корхона
М.Ў.

М. Матажқубов
(Ф.И.Ш.)
(ИМЗО)
(ИМЗО)

Юридик шахслар учун электр таъминоти шартномасига 5 - илова

Энергия йўқолишларини аниқлаш бўйича ДАЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва куйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишлари _____ кВАр.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;
Русуми _____;
Қучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг хаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;
Русуми _____;
Қучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва I-иловада кўрсатилган ишлаш тартибидан аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйлارнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига қаратилади.

Имзолар:

Истеъмолчи: _____
Корхона: _____
(М.Ў. Имзо) (М.Ў. Имзо)

Юридик шахслар учун электр таъминоти шартномасига 6 - илова

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими
1. Компенсация қурилмаларининг ўрнатилган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қув- вати	Уланиш вақти		Жами
			Эрта- лаб	Кеч- курун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик ростлаш билан: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Дастаки ростлаш билан: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+36.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича	
Январь			
Февраль			
Март			
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			

Реактив энергиянинг хар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

10% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан

холда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига кувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, кувват коэффициентни кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганга нисбатан Истеъмолчи томонидан кувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида “Ўзэнергоинспекцияси”нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкلامали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкلامали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарураги Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиги ҳисобга олинмаган холда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% микдоридида белгиланади.

Истеъмолчи:

(М.Ў.Имзо)

Қарўона:

(М.Ў.Имзо)



Юридик шахслар учун электр таъминоти шартномасига 7 - илова

Аварийвий ва технологик бронни аниқлаш бўйича ДАЛОЛАТНОМА

Истеъмолчининг _____

_____ иштирокида тузилди.
Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли кувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи куйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкلامасини технологик бронь даражасигача пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкلامалар куввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, захарланиши ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бროнига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қarang.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт

II босқич _____ кВт

III босқич _____ кВт

IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қуйилади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг газна ихроси қондаларига
8-ИЛОВА
2022 й. «28» Январдаги
Хазорасп туман 3-сон касб-хунар мактаби ишлари бўйича «Хоразм худудий электр
тармоқлари» АЖ билан
4464000 сўм умумий суммага тузилган №5-сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ
Боб 6000 Бўлим 092 Кичик бўлим 790
Шахсий газна ҳисобварақ 100010860332207092901079002

2022 й. ойлар номи	Харажатлар тури** (бюджет таснифнинг тегишли коди)		Жами
	4221000		
Январ	1487 700		1487 700
Феврал	1487 700		1487 700
Март	1488 600		1488 600
Апрел			
Май			
Июн			
Июл			
Август			
Сентябр			
Октябр			
Ноябр			
Декабр			
Жами йил бўйича	4464000		4464000

Жами : 4464000 (Тўрт миллион тўрт юз олти миш тўрт минг) сўм
(сумма сўз билан)

Юқорида кўрсатилган суммалдан _____ суммасидан
30% 2022 йил ҳар ойда туланиши лозим
(*) – бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик
булинмасига икки нусхада тақдим этилади;
(**) – бўлим, Кичик бўлим ва харажат моддаси курсатилади;
(***) – Юқоридаги курсатилган суммалдан ойига _____ % жорий ойнинг _____ санасига ҳар ойда
олдиндан туланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи
олувчи томонидан қўшимча хизматлар курсатиш. Алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда
тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар ва хизматлар) етказиб шартномалари бўйича
олдиндан туловни амалга ошириш ҳолларида

Буюртма раҳбари _____ (имзо)
Буюртмачи бош бугалтери _____ (имзо)

Газначилик булинмаси _____ Бюджет маблағ олувчи ходими қабул қилди
Ходими қабул қилди _____ 2022 й. << >> >> _____ (имзо)
2022 й. << >> >> _____ (имзо) 2022 й. << >> >> _____ (имзо)